

“Uzbekistan Airways” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг 5-сон
ҚАРОРИДАН КЎЧИРМА

2022 йил “28” декабрь

Тошкент шаҳри

“Uzbekistan Airways” АЖ (кейинги ўринларда – Жамият) томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 42 632 403 415 донани ташкил этади ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб – Жамият ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

5. Жамият тафтиш комиссияси ваколатини тугатиш ҳамда Жамият тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомни бекор қилиш.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сон Қонунининг 59-моддасига асосан, жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорлар умумий йиғилиши ваколат доирасига киради.

Бугунги кунда жамият овоз берувчи акцияларининг 100 фоизи Молия вазирлигига тегишли бўлиб, Жамиятнинг ягона акциядори ҳисобланади.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича Жамият ягона акциядори қуйидагича **қарор қилди:**

1. Жамият тафтиш комиссияси аъзолари ваколати тугатилсин.
2. Жамият тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом бекор қилинсин.

“Uzbekistan Airways” АЖ
Корпоратив котибият мудури



Б.Хайруллаев